



Q A R O R

2006 йил «16» *Энвар*

№-125-К

Фермер хужалигини ташкил қилиш
хамда ер майдони ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПК-215-сонли «2006 йилда кишлоқ хужалиги кооперативларини (ширкат хужаликларини) фермер хужаликларига айлантириш тугрисида»ги қарорининг хамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 203-К-сонли ва туман ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 687-К-сонли қарорларига асосан кишлоқ хужалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, Кубаев Музаффарнинг фермер хужалиги ташкил этиш тугрисидаги аризасини хамда «Гулистон» ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг 2005 йил 31-декабрдаги танлов яқунлари баённомасига ва шу ширкат хужалиги жамоатчилик кенгашининг ижобий хулосасига асосан ва туман статистика булимининг 2006 йил 18-январдаги 103-06-сонли «KUBAEV MUZAFFAR-GULISTON»га ухшаш ном мавжуд эмаслиги тугрисидаги маълумотнома-гувоҳномасини инобатга олиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

- 1.«Гулистон» ширкат хужалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 31-декабрдаги туман ҳокимлиги биносида утқазилган тендер яқунлари буйича баённомасида голиб деб топилган Кубаев Музаффарнинг «KUBAEV MUZAFFAR-GULISTON» фермер хужалиги пахта-галлачилик йуналишида ташкил этилсин.
- 2.«KUBAEV MUZAFFAR-GULISTON» фермер хужалигига «Ўздаверлойиха» олийгоҳи Самарқанд филиали мутахассисларининг қайта йуклама қилиш қайдномасига асосан умумий майдони 24,2 гектар, шундан: сугорилиб ҳайдаладиган ери 23,7 гектар, ариқлар 0,4 гектар, йулар 0,1 гектар ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.
- 3.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри булими бошлиғи (Б.Абдураззоқов)га ер кадастр ва балл бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара шартномаси, тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;
 - туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утқазиб инспекцияси (М.Қурбоновга) мазкур фермер хужалигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20-августдаги 357-сонли қарори талаблари асосида давлат руйхатидан утқазиб, гувоҳнома бериш;
 - туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тураев)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;
 - иктисослашган тижорат банкларида мазкур фермер хужалиги учун ҳисоб рақам очиш;
 - туман статистика булими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.
- 4.Мазкур фермер хужалигига ер майдони ажратишда ширкат хужалигининг қопланмай қолган дебитор ва кредитор қарзларининг, ажратилаётган ер майдонларига мутаносиб равишда таксимланиб, ундирилишини таъминлаш Гулистон ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссия раиси Т.Алқаров зиммасига юклатилсин.
- 5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ширкат хужаликларини қайта ташкил этиш комиссия раиси уринбосари Н.Жураев зиммасига юклатилсин.
- 6.Мазкур қарорнинг тасдиғи Вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими :-

Ш.Негматов

Ш.Негматов